

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

PhD, доц. Жамолов Жўрабек Жамолович

Tashkent Perfect University

ORCID: 0009-0005-0122-318X

jamolovjorabek39@gmail.com

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган, хорижий инвестициялар оқимининг қисқа ва узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиқишида институционал омиллардан фойдаланилган, институционал омилларга баҳо беришда *Heritage Foundation* томонидан юритиладиган иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Калим сўзлар: “очиқ эшиклар” сиёсати, хорижий инвестиция, иқтисодий сиёсат, стратегия, экспорт имконияти, инвестиция фаолияти, инвестицион мұхит, инвестицион сиғим, инвестицион лойиҳалар, инвестицион жозибадорлик, инвестицион сиёсат.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

PhD, доц. Жамалов Жўрабек Жамолович

Tashkent Perfect University

Аннотация. В статье проведен экономический анализ привлечения иностранных инвестиций в экономику нашей страны, использованы институциональные факторы при разработке краткосрочного и долгосрочного прогноза притока иностранных инвестиций, а также используется Индекс экономической свободы, поддерживаемый *Heritage Foundation*, для оценки институциональных факторов.

Ключевые слова: политика «открытых дверей», иностранные инвестиции, экономическая политика, стратегия, экспортные возможности, инвестиционная активность, инвестиционная среда, инвестиционная емкость, инвестиционные проекты, инвестиционная привлекательность, инвестиционная политика.

ECONOMETRIC ANALYSIS OF ATTRACTION OF FOREIGN INVESTMENTS INTO THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PhD, assoc. prof. Jamolov Jurabek Jamolovich

Tashkent Perfect University

Abstract. The article provides an economic analysis of attracting foreign investment into the economy of our country, uses institutional factors in developing short- and long-term forecasts of foreign investment inflows, and uses indicators of the economic freedom index conducted by the Heritage Foundation to assess institutional factors.

Keywords: open door policy, foreign investment, economic policy, strategy, export opportunities, investment activity, investment environment, investment capacity, investment projects, investment attractiveness, investment policy.

Кириш.

Жаҳонда мамлакатлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни нисбатан қулай шартлар билан жалб этишда инноватсиян иқтисодий ва институционал дастаклардан фойдаланиш, етакчи мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб этишда давлат мулки бўлган хўжалик юритувчи жамиятларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, янги рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб этишда венчур фондлари, концессия ҳамда франчайзинг йўналишлари фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг услугубий асосларини такомиллаштириш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнининг жадаллиги, биринчи навбатда, улар учун яратилган инвестицион муҳит бирламчи ўрин эгаллайди. Мамлакатдаги инвестицион муҳитни баҳолашга қаратилган бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳам ўз аҳамиятига эга. Халқаро даражада турли ташкилотлар томонидан мамлакат инвестицион муҳитига баҳо беришда турли индекс ва рейтинглар тизимидан фойдаланилади. Жумладан, Жаҳон Банки томонидан Бизнес юритиш (Doing Business) индекси (2021 йилгача эълон қилинган), The European House-Ambrosetti консалтинг агентлиги томонидан юриталадиган Глобал жозибадорлик (Global Attractiveness Index) индекси Forbes нинг Бизнесни юритиш учун энг яхши мамлакатлар, Bloomberg компанияси томонидан юриталадиган Мамлакатда бизнесни юритиш қулиялиги (Rankings Bloomberg) рейтинги, Heritage Foundation томонидан юриталадиган Иқтисодий эркинлик индекси (Index of Economic Freedom), Institute of Management Development томонидан юритиладиган Глобал рақобатбардошлик рейтинги (IMD World Competitiveness Ranking) шулар жумласидандир.

Хорижий инвестицияларни жалб этишилишини ва уларнинг миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, авваламбор мамлакат ЯИМга, таъсирини эконометрик таҳлили амалга оширишда иқтисод-олимлар томонидан бир қатор омиллар ўзгарувчи сифатида қабул қилинган. Бу ўзгарувчилар сифатида ЯИМ миқдори ва унинг ўзгариши динамикаси, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси, мамлакатда коррупция даражаси, непотизм, ишчи кучининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, мулкий ҳуқуқларнинг кафолати, етакчи рейтинг агентликлари ҳисботлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ресурслардан фойдалана олиш даражаси ва бошқа қатор кўрсаткичлар танлаб олинган. Хорижий инвестицияларнинг оқимини белгилаб берадиган бир қатор тадқиқотларнинг асосий омиларини кўриб чиқамиз.

Адабиётлар шарҳи.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий мазмuni, моҳиятини ўрганишга бағишиланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда Фарб олимиларидан Макконнелл (1993) фикрича, инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими жараёнидир.

Кэмбелл (1993) инвестицияларнинг туб моҳиятини ёритиб берган, инвестициялар – бу ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий заҳираларни кўпайтириш ҳаражатларидир деб берилган таъриф амалий назарий жиҳатдан ифодалаб беради.

Розенберг (2007) ўзининг «Инвестициялар» луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, инвестиция – кўпайтириш, даромад олиш ёки капитал ўстириш мақсадида

пул сарфланишидир, деган фикирни юритади. Миллий иқтисодиётдаги инвестицияларнинг ролига баҳо бериб, россиялик иқтисодчи олим Михайлова (2007) «инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади» деган фикрни илгари сурди.

Ўзбекистонда мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотлар таҳлили кўрсатишича, миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимиға таъсир қилувчи омиллар кенг доираси ўрганилган ҳолда, келгуси давр прогнозларини ишлаб чиқишида асосан иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, ЯИМ ва унинг ўсиши динамикаси, инвестиция фаоллиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, савдо баланси, табиий ресурс салоҳияти, истеъмол салоҳияти, меҳнат салоҳияти, инфратузилма салоҳияти кабилар киритилган ҳолда институционал жиҳатлар омил сифатида эътибордан четда қолдирилган.

Жумладан, Валиев (2021) Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестиция салоҳиятини ошириш механизмларини таҳлил этишга доир тадқиқотида “ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларига асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари таъсири панел маълумотлар базасига асосланган регрессия функциялари орқали баҳолаган.

Аманова (2023) инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш доирасида олиб борган тадқиқотида ЯИМнинг ўсиш суръати, хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръати, иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат тармоқларининг ўсиш суръати, инфляция даражаси. Рузметов кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилишни эконометрик моделлаштириш доирасидаги тадқиқот ишида олий таълим муассасалари битирувчилари сони, кичик бизнес субъектлари сони, кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, меҳнат ресурслари сони.

Кадирова миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг ролини ошириш масалалари (эркин иқтисодий зоналар мисолида)га қаратилган тадқиқотда ЯИМ дефлятори, инфляция даражаси, нарх индекси, кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат савдо баланси кўрсаткичларидан мамлакатга киритилаши мумкин бўлган хорижий инвестицияларнинг ҳажмини прогноз қилишга қаратилган эконометрик моделларни ишлаб чиқишида омил сифатида фойдаланган. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқли равишда фақат институционал кўрсаткичларга таянган ҳолда инвестициялаш жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишида унга таъсир қўрсатувчи омилларга бағишлиланган тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган. Жумладан, Абдурахимова (2022) Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишини такомиллаштириш доирасидаги тадқиқот ишида натижавий кўрсаткич инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишига солиқ-бюджет, валюта, нархни шакллантириш, талаб ва таклиф, иш билан бандлик сиёсалари таъсири таҳлил этилган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг кейинги йиллар учун прогнозини ишлаб чиқишида миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари билан биргалиқда институционал жиҳатларни ҳам омил сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот методологияси.

Мамлакатимиз иқтисодиёти хорижий инвестицияларни жалб этишнинг эконометрик таҳлилини самарали ташкил этиш масалалари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мұхомамаси.

Үзбекистон иқтисодиетига хорижий инвестициялар оқимининг қисқа ва узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиқиша институционал омиллардан фойдаланиш мақсада мувофиқ. Тадқиқот ишимизда Үзбекистондаги институционал омилларга баҳо беришда Heritage Foundation томонидан юриталадиган Иқтисодий эркинлик индекси күрсаткичларидан фойдаланамиз.

Иқтисодий эркинлик индекси Heritage Foundation билан The Wall Street Journal ҳамкорлигыда 1995 йилдан бүён юритилиб, хозирги кунда 190 га яқин мамлакатлари ушбу рейтингга киритилган. “Рейтингда мамлакатда бизнесни юритишида жараёнлар: ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол жараёнларига давлатнинг аралашуви ёки тўсқинлик қиласлиги, эркинликларнинг ҳимоя қилиши ва таъминланиши акс этган”. Бу эса инвестицияларнинг, шу жумладан хорижий инвестицияларнинг, Үзбекистон иқтисодиетига жалб этилишини белгилайдиган омиллар сифатида баҳоланади.

Эконометрик моделни тузиш учун 2013-2023 йиллардаги макроиктисодий күрсаткичлар ва Иқтисодий эркинлик индексининг тегишли күрсаткичларини танлаб оламиз.

1-жадвал

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар ва Иқтисодий эркинлик индекси күрсаткичлари

Йил	Хорижий инвестициялар, млрд. сўм.	ЯИМ, млрд. сўм.	Күрсаткичлар								
			Экспорт, млн. АҚШ доллари	Мулкчилик хукуклари	Ҳукуматнинг ҳалоллиги	Солиқ юки	Давлат харажатлари	Тадбиркорлик эркинлиги	Пул эркинлиги	Савдо эркинлиги	Молиявий эркинлик
2010	24241,2	440812	13023,4	20	18	88,4	72,6	67,8	62,4	65,1	10
2011	17694,4	473983	15021,3	15	17	90,5	71	66,8	61,7	66,2	10
2012	18514,2	507648	13599,6	15	16	94,4	64,9	67,6	64,2	66,1	10
2013	19656,7	544703	14322,7	15	16	90,2	67,8	71,2	63	66,1	10
2014	21748,8	582130	13545,7	15	13,4	90,3	70,4	75,7	63,1	66,1	10
2015	23430,6	624152	12507,6	15	17	90,2	67,3	73,1	63,5	69,8	10
2016	27468,4	661178	12094,6	15	18	90,4	66,6	67,1	65,6	65,6	10
2017	37279,1	690238	12553,7	48	27,5	90,7	66,2	64,8	61,1	66,8	10
2018	51654,2	730823	13990,7	48,7	24,2	91	65,5	66,9	61,9	62,5	10
2019	124221	774537	17458,7	49,8	25,2	91,3	67,4	72,5	58,9	62,6	10
2020	117105	789994	15102,3	59,1	28,2	91,6	74,7	72,6	59,9	67,6	20
2021	116480	848480	16662,8	57,8	30,5	92,4	79,9	73,5	60,3	55,4	20
2022	113864	888342	19293,7	31,6	23,8	90,8	78,1	59,1	61,6	75,6	40
2023	187885	1066569	24426,2	32,9	29,1	92,8	70,4	61,0	63,6	75,6	40

Манба: тадқиқот давомида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ишлаб чиқиладиган иқтисодий моделимиз аниқлигини ошириш мақсадида натижавий омил хорижий инвестициялар ҳажми ва ЯИМ күрсаткичлари 2022 йилги нархларга ўтказилди. Иқтисодий моделни ишлаб чиқиша Excel дастури ёрдамида кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлилга асосланамиз. Кўп омилли корреляцион-регрессион модельмизда натижавий омил сифатида у - Үзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми, ўзгарувчилар сифатида Үзбекистоннинг ЯИМ (x_1),

экспорт ҳажми (x_2) ҳамда Иқтисодий эркинлик индексининг мулқчилик ҳуқуқлари (x_3), ҳукуматнинг ҳалоллиги (x_4), солиқ юки (x_5), давлат харажатлари (x_6), тадбиркорлик эркинлиги (x_7), пул эркинлиги (x_8), савдо эркинлиги (x_9), молиявий эркинлик кўрсаткичлари (x_{10}) таҳлил учун танлаб олинди.

Иқтисодий модел учун танлаб олинган кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлилни авваламбор танланиб олинадиган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлашдан бошлаймиз. Таҳлилнинг биринчи босқичи танлаб олинган омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжудлиги ва боғланишлар даражаси текширилади. Мазкур босқичда тадқиқот учун танлаб олинган омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари ҳисобланади, x_i ва y_i ўзгарувчилар $i=1, \dots, n$ қийматларни қабул қилишда x ва y ўртасида чизиқли боғлиқликни кўрсатувчи корреляция коэффициенти қўйидаги ҳисобланади:

$$r_{xy} = \frac{\text{Cov}(x, y)}{\sqrt{\text{Var}(x)} \sqrt{\text{Var}(y)}} \quad (3.1)$$

(3.1) тенгламанинг суратида турган $\text{Cov}(x, y)$ қиймат қўйидаги нисбат билан ҳисобланади:

$$\text{Cov}(x, y) = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y}) \quad (3.2)$$

x ва y ўзгарувчиларнинг ковариатсияси дейилади ва қўйидаги ҳисобланади:

$$\text{Cov}(x, x) = \text{Var}(x), \quad \text{Cov}(y, y) = \text{Var}(y) \quad (3.3)$$

Корреляция коэффициенти танлаб олинган икки омил ўртасидаги боғлиқлик даражасини кўрсатади ҳамда -1 дан 1 бўлган оралиқдаги қийматларни қабул қилиши мумкин. Корреляция коэффициенти 0 атрофидаги қийматларни қабул қилса, таҳлил этилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик жуда кичик ёки мавжуд эмаслигини кўрсатади. Корреляция коэффициенти 1 га яқинлашса, мисол учун 0,9 ва ундан кўп қийматга эга бўлса кўрсаткичлар ўртасида жуда катта тўғри боғлиқлик мавжуд бўлади. Агар омиллар ўртасидаги корреляция коэффициенти -1 га яқин бўлса кўрсаткичлар ўртасида катта тескари боғлиқлик мавжуд бўлади.

Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва унга таъсир этувчи иқтисодий ва институционал омиллар ўртасидаги боғланишнинг корреляцион матрица қўйидаги кўринишга эга бўлди (1-расм).

	y	x_1	x_2	x_3	x_4	x_5	x_6	x_7	x_8	x_9	x_{10}
x_1	1										
x_2	0,868235447	1									
x_3	0,802294406	0,635904629	1								
x_4	0,797610901	0,754996658	0,42521134	1							
x_5	0,805072925	0,797041561	0,462736957	0,958065448	1						
x_6	0,275394544	0,265633071	0,233159447	0,270188572	0,252214121	1					
x_7	0,609528478	0,46673852	0,639454546	0,343811469	0,436062374	-0,04128285	1				
x_8	0,013987534	-0,10956862	-0,21248364	0,065852046	-0,10491985	0,049545824	-0,02915276	1			
x_9	-0,76927355	-0,53227276	-0,63651544	-0,8107572	-0,75327024	-0,08133471	-0,4368956	-0,1240029	1		
x_{10}	-0,13345201	-0,02885086	0,077250972	-0,39462901	-0,31496492	-0,23255308	-0,03542263	-0,51746564	0,255772732	1	
	0,644531839	0,671929182	0,757487777	0,289200829	0,416925262	0,117701695	0,747538935	-0,47317191	-0,28559538	0,438890312	1

1-расм. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва унга таъсир этувчи иқтисодий ва институционал омиллар ўртасидаги боғланишнинг корреляцион матрица

Манба: тадқиқот давомида муаллиф томонидан ҳисобланган.

1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, натижавий омил у - Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми ва x_1 - Ўзбекистоннинг ЯИМ (0,868235), x_2 - экспорт ҳажми (0,802294), x_3 - мулкчилик ҳуқуқлари (0,797610) ўзгарувчилар ўртасида боғлиқлик катта ва айнан мана шу омиллар корреляцион-регрессион модел тузиш танлаб олинди (жадвалда яшил билан белгиланган). x_4 - ҳукуматнинг ҳалоллиги (0,805072) ва x_8 - пул эркинлиги (0,769273) кўрсаткичларининг хорижий инвестициялар ҳажмига боғлиқлиги катта, аммо уларда мультиколлениарлик (мос равища 0,958065 ва 0,810757) мавжуд бўлганлиги учун уларни иқтисодий моделга кўрсаткич сифатида кўллай олмаймиз (жадвалда қизил билан белгиланган). x_5 - солиқ юки (0,275394), x_6 - давлат харажатлари (0,609528), x_7 - тадбиркорлик эркинлиги (0,013987), x_9 - савдо эркинлиги (0,133452) ва x_{10} - молиявий эркинлик (0,644531) кўрсаткичларининг хорижий инвестициялар ҳажмига боғлиқлиги катта бўлмаган сабабли уларни ҳам иқтисодий моделга кўрсаткич сифатида эконометрик моделлаштиришда фойдаланмаймиз (жадвалда сариқ билан белгиланган).

Эконометрик моделнинг умумий кўриниши қўйидагича:

$$y = b + a_1 * x_1 + a_2 * x_2 + \dots + a_n * x_n + e \quad (3.4)$$

Бу ерда:

y - натижавий кўрсаткич;

b - бошланғич қиймат;

x_1, x_2, \dots, x_n - таъсир кўрсатувчи омиллар;

a_1, a_2, \dots, a_n - эркли ўзгарувчиларнинг таъсир даражасини кўрсатувчи коэффициентлар;

e - моделнинг аниқланмаган қисми.

Демак, танланган омиллар x_1 - Ўзбекистоннинг ЯИМ ҳажми, x_2 - экспорт ҳажми, x_3 - мулкчилик ҳуқуқлари танлаб олинади ва уларнинг натижавий кўрсаткич у - Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестицияларга таъсирини тадқиқ этиш жараёнида мазкур омилларнинг корреляцион-регрессион моделини тузишга ва уни текширишга ўтишимиз мумкин.

Вывод итогов								
Регрессионная статистика								
Множественный R	0,960783591							
R-квадрат	0,923105108							
Нормированный R-квадрат	0,897473477							
Стандартная ошибка	14318,7238							
Наблюдения	13							
Дисперсионный анализ								
	df	SS	MS	F	Значимость F			
Регрессия	3	22151584446	7383861482	36,01429494	0,000024			
Остаток	9	1845232663	205025851,4					
Итого	12	23996817109						
Коэффициенты Стандартная ошибка t-статистика P-Значение Нижние 95% Верхние 95% Нижние 95,0% Верхние 95,0%								
Y-пересечение	-171322,9501	29819,2571	-5,745379556	0,00027791	-238778,7962	-103867,1041	-238778,7962	-103867,1041
Переменная X 1	0,088259283	0,051513952	1,713308345	0,071208055	-0,028273371	0,204791938	-0,028273371	0,204791938
Переменная X 2	9,543745019	2,522370249	3,783641606	0,004324724	3,837747094	15,24974294	3,837747094	15,24974294
Переменная X 3	937,9379966	342,1908404	2,740979261	0,022810995	163,8485361	1712,027457	163,8485361	1712,027457

2-расм. Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестицияларга танлаб олинган ўзгарувчилар таъсирини ифодаловчи эконометрик модел

Манба: тадқиқот давомида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2-расм маълумотлари кўрсатишича, амалга оширилган таҳлилларимиз жараёнида регрессион статистика орқали олинган натижада коэффициент миқдорларини ифодаловчи детерминантсия коэффициенти (R^2) 0,923105 га ва меъёрлашган

детерминатсия (R^2) 0,897473 тенг бўлди. Бу эса қурилган эконометрик модел хорижий инвестициялар ҳажми ўзгаришини 92,3 фоизини тушунтириб бера олади. Демак, кўп омилли эконометрик моделни тузишда биз томондан танлаб олинган омилларга таяниш мумкин.

Тадқиқотимиз давомида корреляцион-регрессион таҳлил асосида ишлаб чиқилган иқтисодий моделимиз қўйидаги қўринишга эга:

$$y = -171322,9501 + 0,0883 * x_1 + 9,5437 * x_2 + 937,9380 * x_3 + e \quad (3.5)$$

Бу ерда:

y - натижавий қўрсаткич;

x_1 - Ўзбекистоннинг ЯИМ ҳажми, миллиард сўм;

x_2 - Ўзбекистоннинг экспорт ҳажми, миллион АҚШ доллари;

x_3 - мулкчилик ҳуқуқлари қўрсаткичи, бирлик;

e - моделнинг аниқланмаган қисми.

Шунингдек расм маълумотларидан қўриш мумкинки, ишлаб чиқилган моделимиз Фишернинг F мезони (0,000024) доирасидаги талабга жавоб беради, Стюдентнинг t мезони бўйича эркли ўзгарувчиларнинг ишончлилик даражаси 90 фоизлилик аниқлиқда ишончли (x_1 учун 0,071208, x_2 учун 0,004324, x_3 учун 0,022810).

Ишлаб чиқилган моделимизнинг қўрсатишича, Ўзбекистон ЯИМнинг 1 миллиард сўмга ошиши (камайиши) хорижий инвестицияларнинг 0,0883 миллиард сўмга ошиши (камайиши)га, Ўзбекистоннинг экспорт ҳажмининг 1 миллион АҚШ долларига ошиши (камайиши) хорижий инвестицияларнинг 9,5437 миллиард сўмга ошиши (камайиши)га, мулкчилик ҳуқуқлари қўрсаткичининг 1 бирликка ошиши (камайиши) хорижий инвестицияларнинг 937,938 миллиард сўмга ошиши (камайиши)га олиб келади.

Ишлаб чиқилган иқтисодий модел бўйича натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляциянинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баҳолаш учун Дарбин-Уотсон (DW) мезонидан фойдаланамиз:

$$DW = \frac{\sum_{t=2}^T (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{t=1}^T e_t^2} \quad (3.6)$$

Ҳисобланган DW жадвалдаги DW билан солиштирилади.

Тадқиқот доирасидаги ҳисоблар қўрсатича, агар натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляция мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисобланган DW мезонининг жадвал қиймати бизнинг “моделимизда 1,82 ва 2,18 атрофида бўлади. Бизнинг мисолимизда ҳисобланган DW мезонининг қиймати 2,03 га тенглигини қўрсатмоқда, бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини қўрсатади”.

2-жадвал

Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилинишининг прогноз қўрсаткичлари (миллиард сўм)

Йил	Жорий прогноз	Эҳтимоли кам прогноз	Эҳтимоли юқори прогноз
2024	126204,9	187862,7	135780,3
2025	136068,0	202630,8	138986,1
2026	145931,2	216797,8	142191,9
2027	154524,1	230145,6	145132,2

Манба: тадқиқот давомида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган эконометрик модел ёрдамида (3.5) 2023-2027 йиллар учун Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилинишининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаймиз.

Тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқилган мазкур прогнозлардан Ўзбекистонда қисқа ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган инвестицион дастурни ишлаб чиқиша амалий кўмак сифатида фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хорижий инвестициялар прогнозлари қуйидаги сабабларга кўра фойдали бўлиши мумкин:

- капитални жалб қилиш: Прогнозлар потенциал инвесторларга яратилган инвестицион муҳит жозибадорлиги ва имкониятларини кўрсатиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради.
- имижни яхшилаш: Мунтазам равишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакат ёки компаниянинг халқаро майдондаги обрўсини ошириши мумкин, бу эса янги хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради.
- янги бозорларга кириш: Ижобий инвестицион прогнозлар янги бозорларни ўрганиш ва уларга кириб боришга кўмаклашади, бу эса компания фойдасини янада ошириш имкониятини яратади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон охирги беш йилда янада ривожланиш йўлига ўтди. Бу ривожланиш йўли қўшни республикалар аро тотувлик, эркин либерал ҳамда очиқ иқтисодиёт ва диний эркинлик каби таҳсинга сазовор ислоҳотларни ўзига мақсад қилиб олмоқда. Охирги йилларда ислоҳотларни жадаллаштириш борасида кўплаб қонун хужжатлари, янги ташкилотлар ва ижро органлари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётни барқарорлигини оширишда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидагиларни таклиф қиласиз:

- ❖ Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш ва солиқ тизимини соддалаштириш, хорижий инвестицияларни рўйҳатга олиш тизимини қулаглаштириш;
- ❖ Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлиши зарур;
- ❖ Инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги банклар, инвестиция фондлари ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- ❖ Иқтисодий-ижтимоий инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан, корхоналарнинг электр энергия, табиий ғаз, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги – экспортёр корхоналарни узлуксиз ривишда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;
- ❖ Хорижий сармоядорнинг лойиҳани амалга оширишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бошидан охиригача миллий сармоядорларнинг улушкидан кам бўлмаган миқдорда капитали билан самарали иштирок этишини таъминлаш ва бундай масъулият ва мажбуриятлар меъёрий ҳужжатларда, жумладан, шартномада қатъий қилиб белгиланиши ва уларга амал этиши шарт.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хуносага келиш мумкинки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Чунки жалб этилган инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиши, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини ошириш баробарида жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллашимиз учун асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар /Литература/Reference:

The Heritage Foundation (2023). Index of Economic Freedom. [online] Heritage.org. Available at: <https://www.heritage.org/index/visualize>.

stat.uz. (n.d.). O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. [online] Available at: <http://stat.uz>.

Аманова Н.У. (2023) Инвестиция фаолиятини молиялашишнинг бозор механизмларни такомиллашитириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси автореферати. Т. 19-21 б.

Валиев Б.Б. (2021) Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда инвестция салоҳиятини ошириш механизми. Иқтисодиёт фанлари доктори DSc диссертацияси автореферати. Т. 25-27 б.

Кэмбелл Р., Макконнелл К. Р., Брю., С. Л. (1993) Экономика: принципы, проблемы и политика. В 2-х том Таллин, с.399-40.

Михайлова Е.В. (2007) Финансовые рынки и их формирование. Под. Ред. Л. Н. Красавиной.-М. с-357.

Розенберг Д.М. (2007) Инвестиции.-м.: Инфра, с-173.